

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АГРОМУҲАНДИСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ» КАФЕДРАСИ**

**М.А.Авлақулов, Ғ.Алиқулов**

**«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва  
бирламчи қайта ишлаш технологияси» бакалавр йўналиши учун  
«Мелиорация ва ер тузиш» фанидан амалий, лаборатория ва  
мустақил ишларни бажариш бўйича**

## ***У С Л У Б И Й    К ў р с а т м а л а р***



**Қарши – 2012 йил**

Тузувчилар: «Ер тузиш ва ер кадастри» кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент М.Авлақулов,  
ассистент Ғ.Алиқулов

Тақризчилар: Қашқадарё вилояти гидрогеология- мелиоратив экспедицияси бошлиғи И.Қурбонов  
КМИИ, «НГИ» кафедраси мудири, т.ф.н., М.Рахматов  
ЕТваЕК кафедраси мудири , и.ф.н.,доц. М.Бозоров

**«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси» бакалавр йўналиши учун  
«Мелиорация ва ер тузиш» фанидан амалий, лаборатория ва мустақил ишларни бажариш бўйича**

## **У С Л У Б И Й   К ў р с а т м а л а р**

Мазкур услубий кўрсатма «Ет ва Ек» кафедраси йиғилиши (баён №5 \_16\_ декабр , 2011 й.) да, Қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандислиги факультети услубий комиссияси (баён №\_1\_ 7 январ , 2012 й.) ва ҚМИИ Услубий кенгаши (баён №3 6 январ 2012 йил)да муҳокама қилинган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

© Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

## МУНДАРИЖА

№	Мавзу номи	бет
	<b>«Мелиорация» бўлими бўйича лаборатория ишларини бажариш тартиби</b>	
1	1- лаборатория иши (2 соат) Тупроқдаги тузларнинг ўртача ҳақиқий миқдорларини аниқлаш	5
2	2-лаборатория иши (2-соат) Тупроқлар шўрланганлик ҳарактерларини аниқлаш	8
3	3-лаборатория иши (2 соат) Тупроқларнинг шўрланганлик даражаси, сизот сувларнинг жойлашган чуқурлиги ва уларнинг минераллашганлик даражасини ўсимлик қопламига кўра аниқлаш	9
4	4-лаборатория иши (2 соат) Зовурлаштирилган ва зовурлаштирилмаган шароитлар учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисоблаш	14
5	5-лаборатория иши (4-соат) Шўр ювиш ишлари режасини тузиш	21
6	6-лабаратория иши (2 соат) Зовур оқимининг берилган ўлчами, тупроқнинг фильтрация хусусияти ва сув ўтказмайдиган қатламнинг жойлашув чуқурлигига қараб доимий чуқур зовурлар /2,5-9м/ орасидаги масофани ҳисоблаш	25
7	7- лаборатория иши (2 соат) Зовур оқими модулини аниқлаш	27
8	8- лаборатория иши (2 соат) Ўзлаштирилаётган шўрланган участкадаги сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш.	28
9	9-лаборатория иши (2 соат) Тупроқ актив қатламининг йиллик туз балансини аниқлаш	31
	<b>«Ер тузиши» бўлими бўйича</b>	
	1-лаборатория иши (6 соат)	34
10	Мавзу:Шартли белгилар.Шартли белгиларнинг турлари ва уларни ўқишни ўрганиш.	
11	2-лаборатория иши (6 соат) Мавзу: Миқёслар. Миқёс турлари ва улардан фойдаланиш.	36
12	3-лаборатория иши (8 соат) Мавзу: Ориентирлаш. Берилган румб бурчаги ва чизик узунлиги бўйича тарх (план) чизиш.	42
	Фойдаланилган адабиётлар	58

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси шароитида мелиорациянинг аҳамияти жуда катта. Илмий асосланган мелиоратив тадбирларни кенг қўлламастан туриб, қишлоқ хўжалик экинларидан мунтазам равишда юқори ҳосил олиш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга эришиш мумкин эмас.

«Мелиорация ва ер тузиш» фанининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги соҳаси учун тайёрланаётган мутахассисларга ернинг табиий ноқулай шароитларини (сув, ҳаво, озика, иссиқлик) тубдан яхшилаш, тупроқ унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ер турларининг таркиби, ҳудудий жойлашуви ҳамда ички майдонларни тузиш, бўйича назарий ва амалий билимлар беришдир.

Фаннинг вазифаси – талабани ушбу фан бўйича олган назарий ва амалий билимларини ишлаб чиқаришга қўллаш бўйича кўникмалар ҳосил қилишдир.

### **Бунинг учун қуйидаги масалаларни ечимини топиш талаб этилади:**

–Ўзбекистон Республикасида янги аграр ислохатларни амалга ошириш ва мелиорацияни ривожлантириш учун қабул қилинган қарорлар ва қонунлар;

–мавжуд суғориладиган ерларни ва табиий яйловларни экологик мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

–ерларни мелиорация қилиш, сув таъминотини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш;

–ер тузиш учун бажариладиган съёмкалар турлари ва усуллари;

–хўжалик план ва карталарининг мазмуни билан танишиш ва ундан фойдаланиш;

–суғориладиган ерларни шўрланиши, ботқоқланиши ва сув, шамол, ирригация эрозияларини олдини олиш ва қарши кўраш тадбирларини;

–суғориш тармоқларининг тузилиши, таркибий қисмлари, фойдали иш коэффициентлари, уларда содир бўладиган сув исрофгарчилигини олдини олиш ва қарши кўраш тадбирлари;

–қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиблари, суғориш усуллари ва техникаларини;

–коллектор-зовур тармоқларидан самарали фойдаланишни;

–табиий ва суғориладиган маданий яйловлар барпо қилиш ҳамда улардан фойдаланишни;

–қишлоқ хўжалик плани, карта ва атласларини мазмунини ўқишни;

–ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тамойилларини;

–қишлоқ хўжалик экинларидан юқори, сифатли, арзон маҳсулотлар етиштириш;

–ер майдонини картада ҳисоблаш ва далада белгилаш;

–асосий геодезик асбоблар билан ер майдонини съёмка қилиш юзасидан малакаларига эга бўлиши керак

## «Мелиорация» бўлими бўйича лаборатория ишларини бажариш тартиби

### 1- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)

#### 1.Тупроқдаги тузларнинг ўртача ҳақиқий миқдорларини аниқлаш

Таркибида қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган даражада сувда эрувчан тузлар бўлган тупроқлар шўрланган тупроқлар деб юритилади.

Тупроқнинг таркибида унинг оғирлигига нисбатан 0,3% дан кам туз бўлса, бундай тупроқлар шўрланмаган, агар 0,3-0,8% туз бўлса шўрхоқсимон, 0,8-2% бўлса – шўрхоқли ва 2% дан кўп бўлса шўрхоқ тупроқлар дейилади. Ҳар бир мелиоратив район учун шўрланиш даражасининг алоҳида-алоҳида шкаласи мавжуд. Масалан, Мирзачўлнинг хлоридли шўрланган тупроқларида ғўзани экишдан олдин йўл қўйилиши мумкин бўлган тузлар миқдори 0,3-0,4 га, ёки хлор бўйича 0,01-0,02% бўлса, Фарғона водийсининг сульфатли тупроқларида су кўрсаткичлар тегишли равишда 0,6-0,8 % ва 0,08-0,1% ни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шўрланган тупроқларида бу кўрсаткич янада юқорироқ бўлиши мумкин, чунки бу тупроқларнинг сингдирувчи комплексида кальций катиони кўпроқ учрайди: кальцийли тузлар ўсимликлар учун зарарсиз ҳисобланади.

Тупроққа мелиоратив баҳо бериш ва унинг туз режимини ўрганиш учун ундаги тузларни сифат ва миқдорини билиш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун тупроқ наъмуналаридан сувли сўрим тайёрланиб, химиявий анализ қилиш йўли билан қуруқ тупроқнинг оғирлигига нисбатан тузларнинг процент миқдори аниқланади.

Масалан, ўтказилган тажрибалар асосида тупроқ горизонтлари бўйича 1-жадвалдаги маълумотларни олган бўлайлик. Тузларнинг 1 м қатламдаги ўртача миқдорини қуйидагича ҳисоблаш мумкин. Агар барча тупроқ горизонтлари бўйича аниқланган туз миқдорини жамлаб, горизонтлар сонига бўлсак (5,219:7) 0,746% ни оламиз ва у арифметик миқдор бўлиб ҳисобланади. Аниқланган ўртача арифметик миқдор бизнинг мисолимизда ҳақиқий миқдор бўлиб ҳисобланмайди.

1-жадвал

#### Тузларнинг ўртача арифметик миқдорини ҳисоблаш

Тупроқ горизонтлари, см	Тузларнинг тупроқ оғирлигига нисбатан % миқдорлари	
	Қуруқ қолдиқ	Хлор
0-5	1,246	0,090
5-10	0,950	0,078
10-20	0,740	0,065
20-30	0,685	0,060
30-50	0,612	0,045

50-70	0,440	0,027
70-100	0,546	0,030
Жами	5,219	0,395
Ўртача арифметик миқдори	0,746	0,056

Тупроқ таркибидаги тузларнинг ҳақиқий ўртача миқдорини топиш учун ҳар бир горизонт қалинлигини текшириш равишда шу горизонтлардаги туз миқдorigа кўпайтириб, олинган кўпайтмаларни жамлаб, кўпайтувчиларнинг йиғиндисига (бизнинг мисолимизда кўпайтувчилар йиғиндиси – бу тупроқ қатлами қалинлигидир) бўлиш керак:

$$\lambda_{\text{урм}} = \frac{\lambda_1 \cdot h_1 + \lambda_2 \cdot h_2 + \dots + \lambda_n \cdot h_n}{h_1 + h_2 + \dots + h_n}$$

бу ерда

$\lambda$  -горизонтлардаги туз миқдорлари, %;

$h$  – горизонтлар қалинлиги, см.

2-жадвал

Тузларнинг ўртача ҳақиқий миқдорларини ҳисоблаш

Тупроқ горизонтлари, см	Горизонт қалинлиги, см	Горизонт қалинликлари ва тузлар кўпайтмаси	
		Қурук қолдиқ	Хлор
0-5	5	1,246x5=6,230	0,090x5=0,450
5-10	5	0,950x5=9,750	0,078x5=,390
10-20	10	0,740x10=7,400	0,065x10=0,650
20-30	10	0,685x10=6,850	0,060x10=0,600
30-50	20	0,612x20=12,240	0,045x20=0,900
50-70	20	0,440x20=8,800	0,027x20=0,540
70-100	30	0,546x30=16,380	0,030x30=0,900
		Кўпайтмалар йиғиндиси:	
		62,650	4,430
		Ўртача ҳақиқий миқдор:	
		62,650:100=0,607%	4,430:100=0,044%

1-жадвалда ўртача ҳақиқий миқдорини ҳисоблашлар кўрсатилган ва қурук қолдиқ бўйича 4,430:100=0,044% ни ташкил этади.

Агар горизонт қалинликлари умумий сонга бўлинадиган бўлса, ўртача ҳақиқий миқдорни 2-жадвалда кўрсатилгандек ҳисоблаш мумкин.

## Тузларнинг ўртача ҳақиқий миқдорини соддароқ аниқлаш

Тупроқ горизонти, см	Горизонт қалинлиги см	Горизонт қалинлиги такрорийлиги	Сульфат ионнинг горизонтлар қалинлиги такрорийликларига кўпайтмаси
0-5	5	1	$0,660 \times 1 = 0,660$
5-15	10	2	$0,545 \times 2 = 1,090$
15-30	15	3	$0,456 \times 3 = 1,368$
30-65	35	7	$0,352 \times 7 = 2,464$
65-90	25	5	$0,540 \times 5 = 2,700$
90-100	10	2	$0,394 \times 2 = 0,788$
	Такрорийликлар:	20	Кўрасатмалар йиғиндиси:
			9,070
			Ўртача ҳақиқий миқдор:
			$9,070 : 20 = 0,454\%$

Топшириқ: 1, 2 ва 3-жадвалларда келтирилган маълумотлар бўйича тузларнинг ўртача ҳақиқий миқдорларини ҳисобланг ва тупроққа мелиоратив жиҳатдан баҳо беринг.

## 1-масала учун маълумотлар

Тупроқ горизонти; см	Қуруқ қолдиқ, %
0-15	0,900
15-30	0,840
30-50	0,710
50-70	0,610
70-100	0,660
100-120	0,520

## 2-масала учун маълумотлар

Тупроқ горизонти; см	Сульфат-ион, %
0-5	0,456
5-25	0,390
25-50	0,410
50-75	0,340
75-100	0,360

## 3-масала учун маълумотлар

Тупроқ горизонтлари, см	Хлор-ион, %
0-20	0,052
20-40	0,060
40-70	0,054
70-100	0,046
100-150	0,038

## 2-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2-соат)

### Тупроқлар шўрланганлик характерларини аниқлаш

Шўрланган тупроқларни ўрганишда фақат уларнинг шўрланганлик даражаларини аниқлабгина қолмай, балки шўрланиш характерини ҳам белгилаш лозим. Чунки шўрланиш характерлари тупроқнинг қатор физик-химиявий, мелиоратив хусусиятларига таъсир этади. Шунингдек, маълум бир агротехника тадбирни қўллаш учун ҳам бу кўрсаткични аниқлаш керак.

Анионларга кўра шўрланганлик характерлари бўйича тупроқлар хлоридли, сульфатли-хлоридли, хлоридли-сульфатли ва сульфатли, катионларга кўра эса-натрийли, магнийли-натрийли, кальцийли-натрийли, магнийли ва кальцийли бўлиши мумкин.

Қуйидаги 1-жадвалда тупроқлар шўрланганлик характерини аниқлаш шкаласи келтирилган.

1-жадвал

#### Тупроқлар шўрланганлик характерлари

Ионлар нисбати ва қийматлари (мг-экв.)	Тупроқнинг шўрланиш характери
$Cl/SO_4 > 2,5$ $Cl/SO_4 = 2,5-1,0$ $Cl/SO_4 = 1,0-0,2$ $Cl/SO_4 < 0,2$	Хлоридли Сульфатли-хлоридли Хлоридли-сульфатли Сульфатли
$Na/Ca > 2,0$ $Na/Mg > 0,5-1,0$ $Ca/Na = 0,5-1,0$ $Ca/Mg < 2,0$ $Ca/Mg > 2,0$	Натрийли Магнийли-натрийли Кальцийли-натрийли Магнийли кальцийли

Тупроқлар шўрланганлик характерларини аниқлаш учун сувли сўримни химиявий анализ қисми йўли билан ионларнинг оғирлик процентлари топилади ва уларни миллиграмм эквивалентларига ўтказиш коэффициентларига йўналтириш йўли билан ионларнинг миллиграмм эквиваленти оғирликлари топилади ҳамда алоҳида-алоҳида анион ва катионларнинг нисбатлари олинади.

Масала. Қуйидаги маълумотлар бўйича тупроқнинг шўрланганлик характерларини анионларга ва катионларга кўра аниқлаймиз:

2-жадвал

$HCO_3^I$	$Cl^I$	$SO_4^{II}$	$Ca^{II}$	$Mg^{II}$	Na
Оғирлик процентлари					
0,024	0,084	0,304	0,091	0,026	-



Ўтказиш коэффициентлари					
16,39	28,17	20,33	49,90	83,33	43,47
100 г. тупроқдаги миллиграмм-эквивалентлари					
0,34	2,36	6,33	4,54	2,17	2,32

*Изоҳ:*  $Na$  нинг миқдори миллиграмм эквивалентлар фарқи бўйича топилади:  $\Sigma z \text{ Анион} - \Sigma z \text{ Катион} = z \text{ Na}$

Ионлар миқдорини миллиграмм эквивалентларда аниқлангандан сўнг, уларнинг нисбатлари ҳисобланади ва олинган натижалар бўйича 1-жадвалдаги шкала ёрдамида тупроқнинг шўрланганлик характери аниқланади. Бизнинг масаламизда

$г \text{ SO}_4 : г \text{ Cl} = 6,33 : 2,36 = 2,68$ ;  $г \text{ Na} : (г \text{ Ca} + г \text{ Mg}) = 2,32 : (4,54 + 2,17) = 0,34$  ва  $г \text{ Mg} : г \text{ Ca} = 2,17 : 4,54 = 0,48$ .

Демак, анионларга кўра тупроқнинг шўрланиш характери хлоридли-сульфатли ва катионларга кўра кальцийли экан.

Топшириқ. 2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра тупроқларнинг шўрланганлик характери аниқланг.

3-жадвал

#### Ионларнинг оғирлик процентлари

Масала №24	$\text{HCO}_3$	$\text{Cl}$	$\text{SO}_4$	$\text{Ca}$	$\text{Mg}$	$\text{Na}$
1	0,024	0,032	1,004	0,156	0,039	-
2	0,032	0,190	0,480	0,172	0,154	-
3	0,026	0,020	0,220	0,120	0,020	-
4	0,020	0,210	0,051	0,200	0,073	-
5	0,022	0,040	0,210	0,050	0,016	-

### 3-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)

#### Тупроқларнинг шўрланганлик даражаси, сизот сувларнинг жойлашган чуқурлиги ва уларнинг минераллашганлик даражасини ўсимлик қопламига кўра аниқлаш

Шўрланган тупроқлар деганда биз қишлоқ хўжалик ўсимликларига салбий таъсир этадиган миқдорда сувда эрувчан тузлар тутган тупроқларни тушунамиз. Амалда эса таркибида 0,3% дан ортиқ қуруқ қолдиқ бўлган тупроқлар дейилади. Шўрланган тупроқлар асосан қуруқчил /арид/ зонада тарқалган. Тупроқлар ва сизот сувларнинг шўрланганлик даражалари, одатда, олинган намуналарни химиявий анализ қилиш йўли билан аниқланади.

Бу усул жуда аниқ бўлиб ҳисобланади. Лекин анча машаққатли иш, кўп вақт ва моддий сарф талаб қилади. Тупроқлар ва сизот сувларнинг

шўрланганлик даражаларини ўсимлик қопламга кўра тезкорлик билан аниқлаш мумкинлиги бор.

Маданий ва ёввойи ўсимликлар тузга чидамлилиги ҳар хил ва улар тупроқдаги тузга турлича муносабатда бўлади. Б.Ф.Федоров /1964/ томонидан Ўзбекистон шароитида Мирзачўл ва Фарғона водийси тупроқлари шўрланганлик даражаларини ўсимликлар қопламга кўра аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Узоқ эволюция жараёнида ҳар хил шўрланган тупроқлар ва сизот сувлар шароитларига турлича мослашган ўсимлик турлари келиб чиққан: /айрим ўсимликлар кучсиз шўрланган ва ботқоқланган, бошқалари-ўртача, учинчилари эса кучли шўрланган ва ботқоқланган тупроқларда ўсиб-ривожланиши мумкин. Биринчи группа ўсимликлари шўрланган ёки ботқоқланган тупроқларга яхши мослашган бўлса, иккинчилари эса бироз қийналиб ўсиб ривожланади, учинчилари умуман ўсмаслиги ва ривожланмаслиги мумкин/.

Тупроқларни шўрланиш ва ботқоқланиш шароитларига бундай мосланиши маълум бир ўсимлик группаларини шаклланишига олиб келган. Бу жиҳатдан ўсимлик группаларини ўрганиш уларга кўра тупроқларни шўрланиши ва ботқоқланиш даражаларини аниқлаш имкониятини беради.

Бу усулни аниқлиги ва ишончлиги амалий томондан тасдиқланган бўлиб, янгитдан ўзлаштириладиган кўриқ ва бўз ерларни мелиоратив жиҳатдан баҳолашда қўлланилмоқда.

1-жадвал

### Тупроқлар шўрланганлигининг беш балли шкаласи

Шўрланганлик балли	Турокнинг шўрланиш даражалари	Тузларнинг ҳисобий қатламдаги оғирлик % и		
		куруқ қолдиқ	Хлор /Cl/	сульфат
I	Жуда кучсиз	0,4-0,8	0,01-0,04	0,18-0,36
II	Кучсиз	0,8-1,2	0,04-0,10	0,36-0,54
III	ўртача	1,2-1,6	0,10-0,20	0,54-0,72
IV	кучли	1,6-2,0	0,20-0,30	0,72-0,96
V	шўрхок	2,0-2,5	0,30-0,40	0,96-1,26
<b>Фарғона водийси</b>				
I	Жуда кучсиз	1,0-1,8	0,01-0,04	0,10-1,20
II	Кучсиз	1,8-3,0	0,04-0,10	1,20-1,80
III	ўртача	2,6-3,6	0,10-0,20	1,80-2,16
IV	кучли	3,6-4,9	0,20-0,30	2,16-2,88
V	шўрхок		0,30-0,40	

Тупроқларнинг шўрланганлик даражалари беш балли шкала ёрдамида куруқ қолдиқ, хлор, сульфат ионларига кўра аниқланади. /1-жадвал/. Ҳавола этилаётган беш балли шкала Мирзачўл ва Фарғона водийси тупроқларининг

шўрланганлик характерлари ва маданий ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Айрим ўсимликларни ҳар хил шўрланган ва намланган тупроқларга мослашганлик даражалари турлича бўлганлиги сабабли ўша ўсимликларгагина кўра тупроқни шўрланганлик даражаси ва сизот сувларни жойлашганлик чуқурликларини аниқлаш мумкин эмас. Шу сабабдан маълум бир шароитга мослашган ўсимликлар группаси аниқланиб, улардан энг яхши мослашган /ўсиб ривожланишига кўра/ ўсимлик турлари ажратиб олинади ва уларга кўра тупроққа мелиоратив жихатдан баҳо берилади.

2-жадвалда тупроқни ва сизот сувларни шўрланганлик даражалари ҳамда сизот сувлар чуқурлигини аниқлашга имкон берувчи асосий ўсимликлар группалари келтирилган. Бу ерда ўсимликлар тупроқ турларига (ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва бўз) кўра группаларга бўлинган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим ўсимликлар ўзининг тузга чидамлилиги билан ҳар хил даражада шўрланган ерларда ўзини жуда яхши хис этади.

Сизот суви сатҳини ҳам ўсимлик қопламига кўра аниқлаш мумкин. Чунки сизот сувларининг узок вақт таъсири натижасида шу худудда айрим ўсимлик группалари тарқалади. Сизот сув режимини суғориш, сув босиши ва бошқа сабабларга кўра бузилиши оқибатида улар жойлашиш сатҳини ўсимлик қопламига кўра аниқлашда айрим хатоликларга йўл қуйилиши мумкин. Ўсимлик қоплами структурасига қараб фақат сизот сув сатҳини аниқлабгина қолмай, балки унинг минераллашганлик даражасига ҳам баҳо бериш мумкин.

Маълумки, сизот сувлари ер бетига қанчалик яқин жойлашган ва минераллашган бўлса, тупроқда шўрланиш жараёни шунчалик тез боради. Сизот сувларнинг минераллашганлик даражаси ва тупроқнинг шўрланиш даражаси орасидаги бу боғлиқлик сизот сувлари ер бетига 3-4 метрдан яқин жойлашган бир хил грунги тупроқларда яққол кузатилади. Чучук ва кучсиз минераллашган сизот сувлар 1-группа ўсимликлари билан, кучли минераллашганлари эса 5-группа ўсимликлари билан характерланади.

2-жадвал

Тупроқлар шўрланганлик даражаси ва сизот сувлар чуқурлигини характерловчи ўсимликлар группалари

Тупроқ турлари бўйича ўсимликлар биологик қаторлари группалари			
Сизот сувлари 0-1 м да жойлашган ўтлоқи ботқоқ тупроқлар	Сизот сувлари 1-2 м.да жойлашган ўтлоқи тупроқлар	Сизот сувлари 2-3 м да жойлашган ўтлоқи бўз тупроқлар	Сизот сувлари 3-4 м. Да жойлашган бўз тупроқлар
Шўрланган тупроқлар (куруқ қолдиқ –0,3, хлор-0,01% гача)			

1. Баргизуб (Подорожник) 2. Себрага (Клевер земляничный)	3. Ғумай (Джонсонова трава) 4. Ялпиз (Мята) 5. Қизил киёк (Императа цилиндрическая)	6. Бўзтикан (бодяк желтовато- чешуйчатый)	7. Ранг (Осока пустынная) 8. Сачратки (Цикорий) 9. Саломалайкум (Сить круглая)
1 балл шўрланиш (жуда кучсиз шўрланган тупроқлар: курук қолдиқ 0,4-0,8; хлор-0,01-0,04; SO <sub>4</sub> -0,18-0,36%)			
а) 0,01-0,02% хлор бўлган тупроқлар 1. Итқуноқ (Шетинник сизни)	2. Отқулоқ (шавель красивый) 3. Қуйтикан (дурнишник)	4. Тароқбош (костер кровельный) 5. (Эгилонс цилиндрический)	6. Қизил бурган (Полынь вечная) 7. Олабута (Марь белая)
б) 0,02-0,03% хлор бўлган тупроқлар			
1. Қумок (куриное просо)	2. Семиз ўт (Портулак) 3. Хор-хор (донник белый)	4. (Мелколепестник)	5. Қуйпечак (вьюнок полевой)
в) 0,03-0,04% хлор бўлган тупроқлар			
1. Қамиш (тростник)	2. Қора ажри (пальчатая трава) 3. Янтоқ верблю- жья колючка)	4. Эшакшўра (ширица)	
Кузги –қишки шўр ювиш нормалари, гектарига минг м <sup>3</sup>			
2-3	2-3	1-2	1-2
2 балл шўрланиш (кучсиз шўрланган тупроқлар: хлор – 0,04-0,10; курук қолдиқ – 0,8-1,2; SO <sub>4</sub> -0,36-0,54%)			
	1. (лебеда копьевидная)	4. Қиёттиқ (ячмень заячий)	7. Олабута шўра (лебеда татарская)
	2. Оқбош (Карелиния каспийская)	5. Камчингул (горлец серебряный)	
	3. Суртуп (латук татарский)	6. Болтирак (сердечница пушистая)	
Кузги –қишки шўрланиш (ўтача шўрланган тупроқлар: курук қолдиқ 1,2-1,6, хлор 0,10-0,20, 0,54-0,72%)			
5-6	4-5	3-4	2-4

(триполиум обыкновенный)	2.Кўкчачоқ (бескильница)	5.Арпағон (мортуқ восточный)	8. Окжусак, шувок (польнь приморская)
	3.Кермак совун (кермек ушколистый)	6.Юлғун (гербеншик)	
	4. Катта барг ўт (Сведа странная)	7. Ялпоқ шўра (Эхинопилон иссполистый)	
Кузги –қишки шўр ювиш нормалари, гектарига минг м <sup>3</sup>			
10-11	8-10	6-8	4-6
IV балл шўрланиш (кучли шўрланган тупроқлар: куруқ қолдиқ – 1,6-2,0; хлор – 0,2-0,3; SO <sub>4</sub> -0,72-0,96%)			
	1. Қора шўра (сведа разнолистая)	2.Сведа дуголистая	4. Килтинак костер северцова)
		3. Тўрға ўт (Петросимония сибирская)	
Кузги –қишки шўр ювиш нормалари, гектарига минг м <sup>3</sup>			
12-16	10-12	8-10	6-8
V балл шўрланиш (шўрхоқлар: куруқ қолдиқ – 2,0-2,5; хлор – 0,3-0,4; SO <sub>4</sub> - 0,96-1,2%)			
1. Қизил шўра (солерос травянистый)	2. (мелковик креций)	4. Балиқ кўз (солянка мясистая)	
	3.Шўр ажриқ (прибрежница солончаковая)	5.Балиқ кўз (солянка шерсистая)	
Кузги –қишки шўр ювиш нормалари, гектарига минг м <sup>3</sup>			
18-20	16-18	14-16	10-12

*Изоҳ: 1. Тузларнинг ҳисобий қатлам учун оғирлик процентларда берилган;  
2. Номлари тағига чизилган ўсимликлар тупроқ устки қатламида тарқалган  
илдиз системасига эга бўлиб (тузлар тупроқнинг устки ярим метрида)  
чизилмаганлари эса илдиз системаси чуқурга кетган ўсимликлардир. (тузлар  
1 метрли қатламда)*

Мирзачўлнинг Шўрўзак пастликлари ва Фарғонадаги Федченко тажриба участкаси районларида олинган маълумотлар 3-жадвалда берилган.

Хулоса қилиб шуни айтмоқ керакка, тупроқни, сизот сувларни шўрланганлик даражаларини ва сизот сувлари жойлашиш чуқурликларини ўсимлик қопламига кўра аниқлаш ҳар бир алоҳида олинган табиий зона ва районлар учун ўзига хос шкаллари ишлаб чиқишни талаб қилади.

Айрим район учун ишлаб чиқилган бу усулни тўғридан-тўғри 2-район учун қўллаш мумкин эмас.

**Топшириқ** 1. Юқорида келтирилган тупроқни ва сизот сувларни шўрланганлик даражасини, сизот сувлар чуқурлигини ўсимлик қопламига қараб аниқлаш усулини ўзлаштириш.

2. Экспонат (гербарий) лар билан танишиб, ҳар хил даражада шўрланган тупроқлар, сизот сувларни минераллашганлик даражалари ва жойлашган чуқурликларини аниқлашга имкон берадиган ўсимлик группаларини аниқланг.

3-жадвал

Ўсимлик қопламига қараб аниқланадиган сизот сувларнинг минераллашганлик даражалари

Шўрланганлик балли	Мирзачўлда		Фарғона водисида	
	Қуруқ қолдик	хлор	Қуруқ қолдик	Хлор
I	0,3-0,5	0,05-0,12	0,5-1,0	0,05-0,10
II	0,5-8,0	0,12-2,0	1,0-1,0	0,10-2,0
III	8,0-15,0	2,0-4,0	15,0-50,0	2,0-4,0
IV	15,0-20,0	4,0-5,0	50,0-70,0	4,0-5,0
V	20,0-60,0	5,0-20,0	70,0-150,0	5,0-15,0

#### 4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)

##### Зовурлаштирилган ва зовурлаштирилмаган шароитлар учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисоблаш

Шўр ювиш тупроқлар шўрланганлигига қарши кўрашнинг асосий воситаси бўлиб, унинг сифати шўр ювиш нормасини тўғри белгиланганлигига мутлоқ боғлиқдир.

Ортиқча катта нормаларда шўр ювишни ўтказиш сув исрофгарчилигига, тупроқнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувиغا олиб келади, тупроққа баҳорги ишлов бериш ва шунингдек экиш муддатларини кечиктириб юборади. Бу ҳолат, айниқса, шўр ювиш баҳорда (феврал, март ойларида) ўтказилганда намоён бўлади. Шўр ювишни кам нормаларда ўтказиш эса тупроқдан тузларни етарли даражада ювилмаслигига олиб келади.

Шўр ювиш нормаси тупроқнинг механик таркибига, зовурлаштирилганлигига, ундаги тузлар таркиби ва миқдорига, сизот сувлар чуқурлигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

1.Зовурлаштирилган шароит учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисоблаш. Сизот сувлар оқиб кетиши яхши бўлган зовурлаштирилган шўрланган ерлар учун шўр ювишнинг умумий нормасини А.Е.Нерозин таклиф этган ифода ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M = (II - m) + \frac{S}{K} + n - A$$

бу ерда: М-шўр ювишнинг умумий нормаси, м<sup>3</sup>/га;

П- тупроқ ҳисобий қатламининг нам сиғими (ёки тузларнинг эритиш нормаси), м<sup>3</sup>/га;

т-шўр ювиш арафасидаги ҳисобий қатламдаги сув миқдори, м<sup>3</sup>/га;

S- тупроқ ҳисобий қатламдан ювилиши лозим бўлган хлор миқдори, кг/га;

К-сувнинг шўр ювиш фаолиятини кўрсатувчи коэффицент (хлор бўйича), кг/м<sup>3</sup>;

п-шўр ювишдан экин эккунга қадар сувнинг буғланишга сарфи, м<sup>3</sup>/га;

А-шу даврда тушадиган ёгин миқдори, м<sup>3</sup>/га;

2. *m* ва *S* нинг қийматларини аниқлашда ҳисобий қатлам қалинлиги ҳар хил тупроқ шароитлари учун турлича белгиланади. Масалан, Фарғона водийсининг шарқий ноҳияларидаги сув кутарувчанлик хусусияти кам бўлган механик таркибли оғир тупроқлар учун 0,7-0,8 м, сув кўтарувчанлик хусусияти ўртача бўлган ўртача сувнинг тупроқлар учун –0,8-1,0 м ва Мирзачўлдаги сув кўтарувчанлик хусусияти катта бўлган микроструктурали тупроқлар учун 1-1,3 м қилиб белгиланиши мумкин.

Тупроқ ҳисобий қатламнинг нам сиғими (м<sup>3</sup>/га) қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$P = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{\max}$$

бу ерда: *h*-ҳисобий қатлам қалинлиги, м;

*d*-тупроқнинг ҳажмий массаси, т/ м<sup>3</sup>;

$\lambda_{\max}$  - тупроқнинг дала нам сиғими, оғирликка нисбатан, %.

Тупроқнинг шўр ювиш арафасидаги нам миқдори қуйидагича аниқланади:

$$m = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda$$

бу ерда:  $\lambda$  -тупроқнинг шўр ювиш арафасидаги намлиги, оғирликка нисбатан, %.

Мирзачулнинг айрим тупроқларининг ҳажмий массалари (*d*) дала нам сиғимлари ( $\lambda_{\max}$ ) ва шўр ювиш арафасидаги намликлари ( $\lambda$ ) келтирилган (1-жадвал).

Тупроқдан ювилиши лозим бўлган хлор миқдори қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$S = 100 \cdot h \cdot d \cdot [Z - Z_1] \cdot 1000$$

бу ерда: *Z*-шўр ювишдан олдинги тупроқлардаги хлор миқдори, оғирликка нисбатан, %;

*Z*<sub>1</sub>- шўр ювишдан кейин тупроқда хлорнинг қолдирилиши рухсат этилган миқдори, оғирликка нисбатан, %;

1000-тонна ҳисобидаги хлор миқдорини килограммага айлантириш учун кўпайтувчи.

Ҳисобий қатламда хлор миқдори 0,40% гача бўлиши мумкин. Шўр ювилгандан сунг унинг тупроқда энг кўп қолдирилиши мумкин бўлган миқдори 0,02% дир.

Сувнинг шўр ювиш қобилятини кўрсатувчи коэффицент (*K*) сизот сувлар чуқурлигига, тупроқлар механик таркибига, шўрланганлик

даражасига боғлиқ бўлиб, унинг ҳар хил шароитлардаги қийматлари 2-жадвалга келтирилган.

Шўр ювишдан экин эккунга қадар тупроқдаги сувни буғланишга исроф бўлиши (n) кўп йиллик ўртача метеорологик маълумотлардан олинади ва кўп ҳолларда 150-350 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилади.

1-жадвал

Мирзачўлнинг айрим тупроқ шароитлари учун  $d$   $\lambda_{\max}$  ва  $\lambda$  ларнинг қийматлари.

Сизот сувларнинг жойланиш чуқурлиги (Н), м	Тупроқнинг ҳажмий массаси, т/м <sup>3</sup>	Тупроқнинг дала нам сиғими, оғирликка нисбатан, %	Шўр ювиш арафасидаги тупроқнинг намлиги, оғирликка нисбатан, %
Асосий қатлам қалинлиги			
	0,7-1; 1-1,3	0,7-1; 1-1,3	0,2-1; 1-1,3
Оғир тупроқлар			
1,5	1,40	26,0	22,0
2,5	1,40	25,5	21,5
3,5	1,40	25,5	21,5
Донадор лёссимон суглинок тупроқлар			
1,5	1,35	25,0	24,0
2,5	1,35	24,0	22,0
3,5	1,35	23,0	21,0
Қумоқ ва енгил сунглинок тупроқлар			
1,5	1,30	22,0	18,0
2,5	1,30	21,0	17,0
3,5	1,30	26,6	16,0

2-жадвал

Сувнинг шўр ювиш қобилятини кўрсатувчи коэффициент қийматлари

Сизот сувлар чуқурлиги, м	Шўр ювиш олдидан тупроқдаги хлор миқдори				
	0,65	0,1000	0,20	0,30	0,40
Оғир тупроқлар					
1,5	1,2	1,5	2,3	2,7	3,0
2,5	1,0	2,5	3,3	3,8	4,1
3,5	2,0	3,3	4,4	4,9	5,2
Донадор лёссимон суглинок тупроқлар					
4,5	1,9	3,2	4,0	4,4	4,5
4,5	2,2	3,9	4,9	5,6	5,7



4,5	2,5	4,5	5,8	6,7	6,9
қумоқ ва енгил суглинок тупроқлар					
4,5	2,4	3,7	4,7	5,2	6,2
2,5	2,9	4,8	5,8	6,4	6,5
3,5	3,4	5,8	6,9	7,5	7,8

Даврда атмосферадан тушувчи ёгин миқдори (А) ҳам кўп ўртача маълумотлардан олиниб, унинг ярми шўр ювиш норма аниқлаш учун ҳисобга олинади.

Зовурлаштирилган шароит учун шўр ю виш нормасини ҳисоблашга оид масалалар

Масала: Зовурлаштирилган шароит учун қуйидаги маълумотлар ва шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисобланг?

-Ҳисобий қатлам қалинлиги (А)-0,8 м

-Тупроқнинг ҳажмий миқдори (а)-1,1 т/м<sup>3</sup>

-Ҳисобий қатламнинг ҳажмий сифими ( $\lambda_{\max}$ )-25,5%

-Шўр ювишдан олдинги тупроқ сифими ( $\lambda$ )-21,5 %

-Шўр ювишдан олдинги тупроқдаги хлор миқдори (Z)-0,25%

-Шўр ювишдан кейин уларнинг тупроқда колдирилиш рухсат этилган миқдори (Z)-0,08%

-сувнинг шўр ювиш қобилиятини кўрсатувчи коэффициент (K)-3,5 кг/м<sup>3</sup>;

-шўр ювишдан экин эккунга қадар тушадиган ёгин миқдори (P)-90 мм;

-уша даврда сувнинг буғланишга исроф сувини (n)-220 м<sup>3</sup>/га.

Ечиш: Тупроқнинг дала нам сифимини аниқлаш учун биз 1 га майдондаги h қатлам қалинлигидаги ва d ҳажмий массадаги тупроқнинг оғирлигини аниқлашимиз керак. Тупроқ оғирлигини топиш учун дастлаб унинг ҳажми аниқланади:

$$V = F \cdot h$$

100000 м<sup>2</sup> x 0,8 м=8000 м<sup>3</sup>/га. Бу кўрсаткични ҳажмий массага (d) кўпайтириш йули билан тупроқ оғирлиги (B) аниқланади.

$B = V \cdot d = 8000 \times 1,4 = 11200$  т/га. Тупроқнинг дала сифими унинг 25,5% ини ташкил этганлигини ҳисобга олиб, шу унинг нам сифимини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$11200 - 100\%$$

$$P = 25,5\%$$

Бундан

$$P = \frac{112 \times 25,5}{100} = 2856 \text{ т/га}$$

1 м<sup>3</sup> сув 1 тонна оғирликка тенг бўлганлигини инобатга олса 2856 т/га 2856 м<sup>3</sup>/ га бўлади. Демак, тупроқнинг нам сифимиларни эритиш нормаси 2856 м<sup>3</sup>/га экан.

Юқоридаги ҳисоб йули тупроқдаги сув запасини қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкинлигини кўрсатади:

$$П = \frac{10000 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{\max}}{100} = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{\max} = 100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 \cdot 25,5 = 2856 \text{ м}^3/\text{га}$$

Тупроқдаги шўр ювишдан олдинги сув миқдори эса қуйидагича ҳисобланади:

$$\mu = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda = 100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 \cdot 1,5 = 2408$$

$$S = 100 \cdot h \cdot d \cdot |Z - Z_1| \cdot 1000 = 100 \cdot 0,8 \cdot 1,4 / 0,25 - 0 \cdot 1000 = 25760 \text{ кг/га}$$

Шўр ювишдан то экин эккунга қадар тушадиган атмосфера ёгинлари (Р) 90 мм га тенг. 1 мм қалинликдаги сув 1 га донда 10 м<sup>3</sup> ни ташкил қилганлиги сабабли ёгин миқдорини 900 дан олиш мумкин (10В). лекин унинг деярли ярмигагина шўр ювиш иштирок этади:

$$900 \text{ м}^3 / 2a = 100\%$$

$$A \quad -50\%$$

Бундан

$$A = \frac{900 \cdot 50}{100} = 450 \text{ м}^3/\text{га}$$

Шундай қилиб, шўр ювишнинг умумий нормаси қуйидагига тенгдир:

$$M(2856 - 2408) - \frac{25760}{3,5} - 220 - 40 = 7578 \approx 7600 \text{ м}^3/\text{га}$$

Топширик. А) 3-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳар хил шароитлар учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисобланг.

3-жадвал

Зовурлаштирилган шароит учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Масала номери				
	1	2	3	4	5
Ҳисобий қатлам (h), м	1,0	1,2	0,9	1,5	2,0
Тупроқ ҳажмий массаси (d), т/м <sup>3</sup>	1,40	1,35	1,30	1,34	1,28
Тупроқнинг дала нам сифими (■), %	26,6	23,0	21,0	22,0	21,0
Тупроқнинг шўр ювишдан олдинги хлор миқдори (Z), %	0,03	0,15	0,20	0,25	0,20
Шўр ювишдан кейин тупроқда қолдирилиши мумкин бўлган хлор миқдори (Z), %	0,01	0,01	0,01	0,02	0,02
Сувнинг шўр ювиш қобилиятини кўрсатувчи коэффициент (K), кг/м <sup>3</sup>	2,7	5,6	3,7	3,5	2,8
Ёгин миқдори (P), мм	110	160	70	120	150
Сувни буғланишга исроф бўлиши (n), м <sup>3</sup> /га	260	300	160	250	300

Б) Масалаларнинг натижалари буйича сувнинг шўр ювиш кобилиятини ва шўрсизлик даражасини ошириш мақсадида қўлланиладиган агротехник тадбирларни белгиланг.

### **2.Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисоблаш.**

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювиш нормаси сизот сувлар сатхини критик чуқурликдан баландга кутарилишига имкон бермайдиган миқдорда белгиланади. Тупроққа баҳорги ишлов беришни уз вақтида сифатли килиб ўтказишга имкон берувчи бу чуқурлик оғир тупроқлар учун 1-1,1 м, донадор лёссимон суглиниклар учун 1,4-1,5 м ва кумок, енгил суглиник тупроқлар учун 1,2-1,3 м га тенг.

Шўр ювишнинг умумий нормаси И.Ф.Музичук таклиф этган қуйидаги ифода билан аниқланиши мумкин:

$$M = П - m + \frac{H - H_1}{V} \cdot 10000$$

бу ерда:

М-шўр ювишнинг умумий нормаси, м<sup>3</sup>/га

П-тупроқнинг дала нам сиғими (тузларни эритиш нормаси), м<sup>3</sup>/га

m-шўр ювишдан олдинги тупроқ намлиги, м<sup>3</sup>/га

Н-шўр ювишдан олдинги сизот сувлар чуқурлиги, м

Н<sub>1</sub>-шўр ювиш жараёнида сизот сувларнинг кутарилиши рухсат этиладиган чуқурлик, м

V- сизот сувлар кутарилган баландликни шу кутарилишига олиб келувчи сув қалинлигига нисбати

$\frac{H - H_1}{V}$  - сизот сувларни йул қуйиладиган даражагача кутарилишини таъминланувчи сув қалинлиги, м

$\frac{H - H_1}{V} \cdot 10000$  - тузларни ювиб чиқариш нормаси, м<sup>3</sup>/га «V» нинг миқдори

Мурғоб воҳасидаги енгил тупроқлар учун 6,5-7 ўртача механик таркибли тупроқлар учун 8 ва оғир тупроқлар учун 8-10 га тенг.

### **Шўр ювиш нормасини ҳисоблашга оид масалалар.**

1-масала. Қуйидаги маълумотларга кўра зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисобланг.

-ҳисобий қатлам (h) –1,0 м

-тупроқнинг ҳажмий массаси (d) – 1,4 т/м<sup>3</sup>

-тупроқнинг дала нам сиғими ( $\lambda_{\max}$ )-23,8%

-шўр ювишдан олдинги тупроқнинг намлиги ( $\lambda$ )-18,6 %

-шўр ювишдан олдинги сизот сувлар чуқурлиги (H)-2,05 м

-шўр ювиш натижасида сизот сувларнинг кутарилиши рухсат этиладиган чуқурлик (H<sub>1</sub>)-1,2 м

-сизот сувлар кутарилган баландликни шу кутарилишига олиб келувчи сув қалинлигига нисбати (V)-7,5

Ечиш: Тупроқнинг нам сиғими (Π) ва шўр ювишдан олдинги сув миқдори (m) худди зовурлаштирилмаган шароитдаги сингари аниқланади, яъни:

$$\Pi = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda_{\max} = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,4 \cdot 23,8 = 3332 \text{ м}^3/\text{га}$$

$$m = 100 \cdot h \cdot d \cdot \lambda = 100 \cdot 1,0 \cdot 1,4 \cdot 18,6 = 2604 \text{ м}^3/\text{га}$$

Бошқа қийматларни тегишли равишда ифодага куйиш йули билан шўр ювиш нормасининг йул куйиладиган миқдори аниқланади:

$$M = \Pi - m + \frac{H - H_1}{V} \cdot 10000 = 3332 - 2604 + \frac{2,05 - 1,20}{7,5} \cdot 10000 = 185 \text{ м}^3/\text{га}$$

Агар шўр ювиш экишгача анча илгари (кузда ёки баҳорда) ўтказилаётган бўлса сизот сув сатҳини кутарилишга олиб келувчи атмосфера ёгинлари ва суғориш шахобчаларидан су вни филтрация исроф бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Топширик. 43-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий нормасини ҳисобланг.

4-жадвал

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювиш нормасини ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Масала номери				
	1	2	3	4	5
Ҳисобий қатлам (h), м	0,8	1,2	0,9	1,8	1,5
Тупроқ ҳажмий массаси (d), т/м <sup>3</sup>	1,42	1,34	1,38	1,50	1,40
Тупроқнинг нам сиғими (■), %	24,2	28,4	23,5	22,0	25,0
Тупроқнинг шўр ювишдан олдинги намлиги (W = ΣW : F = 48600 : 16 = 38), %	17,2	16,4	14,6	15,0	18,0
Шўр ювишдан олдинги сизот сувлар чуқурлиги, (H), м	1,90	2,30	2,15	2,00	2,10
Шўр ювишдан сунг сизот сувлар кутарилиши рухсат этиладиган чуқурлик (H <sub>1</sub> ), м	1,10	1,40	1,25	1,30	1,40
«V» катталиқнинг миқдори	9	7	8	9	8

## **5-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (4-соат)**

### **Шўр ювиш ишлари режасини тузиш**

Шўр ювиш шўрланган тупроқлар унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ўтказиладиган асосий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Шўр ювиш самарадорлиги уни ўз вақтида ўтказилиши, уни амалга ошириш учун ва нормасини тўғри белгиланганлигига боғлиқдир. Тупроқлар сифатсиз ювилган ерларда экинлар ҳосилдорлигини 20% ва ҳатто 50% гача камайиши кузатилган. Шу сабабдан шўрлаган ерларни овишни уз вақтида сифатли қилиб ўтказиш тупроқ унумдорлиги ва парвариш қилинаётган экинлар ҳосилдорлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шўр ювишда кам нормадаги сув билан тупроқдан кўпроқ тузни ювиб юборишга эришмоқ керак. Сув ресурсларидан умумий фойдаланиш шўр ювишни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш мақсадларида шўр ювиш ишлари режалаштирилади.

Шўр ювиш ишлари режалаштириш учун биринчи навбатда ҳар йили кузда хўжалик худудида махсус текшириш ишлари ўтказилиб бунда шўрланган майдонларнинг ҳажми шўрланганлик даражасига кўра аниқланади. Шўр ювиш самарадорлигига сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва минераллашганлик даражаси катта тасир отиши сабабли уларни тансифи берилиши керак. Тупроқнинг тузлар ва механик таркибларини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш сони ва нормалари белгиланади (1-жадвал).

Кейинги навбатда бригадалар бўйича шўрланган тупроқлар майдони кўрсатилиб, уларнинг ҳажми суғориладиган – гектар ҳисобида аниқланади (1-жадвал). Табиий шўри ювиладиган майдоннинг ҳажмини суғориладиган гектар ҳисобида аниқлаш учун уни шўр ювиш сонига кўпайтириш зарур. Масалан, 1 бригадада ҳаммаси бўлиб 28 га шўрланган ер бўлиб, унинг 15 гектари кучсиз шўрланган, 9 гектари ўртача ва 4 гектари кучли шўрланган бўлсин. Уларни тегишли равишда шўр ювиш сонларига кўпайтириш ва жойлаш билан 1 бригададаги шўри ювиладиган майдонлар ҳажмини суғориладиган гектар ҳисобида аниқлаймиз:  $15 \times 1 + 9 \times 2 + 4 \times 3 = 45$  суг.га. шу усулда бошқа бригадалар бўйича ҳам ҳисоблашлар ўтказилиб, жамлаш йули билан хўжаликдаги шўри ювиладиган майдонлар ҳажми суғорил – га ларда аниқланади.

Сунгра эса шўри ювиладиган майдонлар декадалар (ўн ёки беш кунликлар) бўйича тақсимланиб чиқилади. Шўр ювишни энг қулай ўтказиш муддати – бу куз ва эрта киш ойларидир (октябр, ноябр, декабр). Чунки бу даврда сизот сувлар сатҳи энг чуқур жойлашган бўлади. Ҳар бир бригада бўйича шўр ювиш муддатлари ва декададаги иш ҳажми умумий ювиладиган майдонга, меҳнат воситаларига ва иш кучини банд ёки банд эмаслигига кўра белгиланади.

Шўри ювиладиган майдонлар шароитига кўра ҳар куни ҳар бир суғориладиган гектарга 1-2 тадан сувчи ажратилади. Шўр ювиш режасида

ювиладиган майдонларга кайси суғориш тармоғидан сув берилиши ҳам кўрсатилади. Каналлардан сувни деярли бир хил миқдорда етказиб туриш учун бригадалар ва хўжалик бўйича шўри ювиладиган майдонлар ҳажми декадалар бўйича иложи борица тенг тақсимланиши керак.

1-жадвал

Шўрланган майдонларнинг ҳажми, шўр ювиш сони ва нормалари

Тупроқлар	Майдони,га	Шўр ювишнинг умумий нормаси, м <sup>3</sup> /га	Шўр ювиш сони	Шўр ювишнинг ўртача нормаси, м <sup>3</sup> /га
Суғориладиган ерлар				
Кучсиз шўрланган	82	2000	1	2000
Ўртача шўрланган	46	4000	2	2000
Кучли шўрланган	18	6000	3	2000
Ўзлаштирилаётган ерлар				
Ўртача шўрланган	24	8000	4	2000
Шўрхок	8	14000	7	2000

2-жадвал

Бригадалар ва хўжалик бўйича шўри ювиладиган майдонлар ҳажми (суғориладиган гектар ҳисобида)

Бригадалар сони	Шўри ювиладиган майдон,га	Шу жумладан					Суг.гектар ҳисобидаги ювиладиган майдон
		1 марта ювиладиган (кучсиз шўр)	2 марта ювиладиган (ўртача шўр)	3 марта ювиладиган (кучли шўр)	4 марта ювиладиган (кучли шўр)	7 марта ювиладиган (шўрхок)	
Суғориладиган ерлар							
1	28	15x1	9x2	4x3	-	-	45
2	32	17x1	10x2	5x3	-	-	52
3	27	16x1	8x2	3x3	-	-	41
4	36	21x1	11x2	4x3	-	-	55
5	28	13x1	8x2	2x3	-	-	35
Ўзлаштирилаётган ерлар							
1	32	-	-	-	24x4	8x7	152
2	178	83x1	46x2	18x3	24x4	8x7	380

Шўр ювишни шўрхок, кучли шўрланган ерлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, шўр ювиш режаси 3-жадвалда кўрсатилганидек ифода этилади.

3-жадвал

Бригадалар ва хўжалик бўйича шўр ювиш ишлари режаси

Суғориш тармоғи	Бригада сони	Шўри ювиладиган майдон, суг-га	Суғориладиган га ҳисобида ювиш керак			
			I-10.XII	I-20.XI	21-30XI	I-10.XII
Суғориладиган ерлар						
P-1	1	45	-	23	22	-
P-1	2	52	-	27	25	-
P-1	5	23	-	23	-	-
Жами:		120	-	73	47	-
P-2	5	18	18	-	-	-
P-2	6	55	28	27	-	-
P-2	7	35	18	17	-	-
Жами:		108	64	44	-	-
Узлаштириладиган ерлар						
P-3	8	152	38	38	38	38
Ҳаммаси бўлиб:		380	102	155	85	38

Шўр ювиш ишлари режалаштирилгандан сунг бригадалар ва хўжалик бўйича шўри ювиладиган майдонларга каналлардан сув тақсимлаш режаси тузилади (4-жадвал).

4-жадвал

Бригадалар, суғориш каналлари ва хўжалик бўйича шўри ювиладиган майдонларга сув тақсимлаш режаси

Суғориш тармоғи	Каналнинг ф.и.к.	Бригада сони	Сув тақсимлаш миқдори, л/с бригадалар учун G кт, каналлар учун Qбр			
			I-10.XII	I-20.XI	21-30XI	I-10.XII
Суғориладиган ерлар						
P-1	0,81	1	-	53,1	5038	-
P-1	0,81	2	-	62,4	57,8	-
P-1	0,81	5	-	53,1	-	-
	Q нетто		-	168,6	108,6	-
	Q брутто		-	208,1	134,1	-
P-2	0,85	5	41,6	-	-	-
P-2	0,85	6	64,7	62,4	-	-
P-2	0,85	7	41,6	39,3	-	-
Ўзлаштириладиган ерлар						
P-3	0,77	8	87,8	87,8	87,8	87,8

	Q нетто	87,8	87,8	87,8	87,8
	Q брутто	114,0	114,0	114,0	114,0
Хўжалик бўйича жами:					
	Q нетто	235,7	358,1	196,4	87,8
	Q брутто	288,0	441,7	298,1	114,0

Бунинг учун суғориш гидромодули ( $q_{нт}$ ) аниқланади. Суғориш гидромодули 1 га майдонга 1 секундда бериладиган литр ҳисобидаги сув миқдоридир. Агар шўр ювиш нормаси ( $m$ ) 2000 м<sup>3</sup>/га ва давомийлиги ( $t$ ) 10 кун бўлса, суғориш гидромодули қуйидагига тенг:

$$q_{нт} = \frac{m \cdot 1000}{t \cdot 86400} = \frac{m}{t \cdot 86,4} = \frac{2000}{10 \cdot 86,4} = 2,31 \text{ л/с га}$$

бу ерда:

1000 - м<sup>3</sup>/га ҳисобидаги шўр ювиш нормасини л/га га айлантириш учун кўпайтувчи;

86400- 1 кундаги секундлар сони.

Шундай қилиб, ҳар гектар майдонга 10 кун давомида 2000 м<sup>3</sup> сув бериш учун кўрсатилган давр мобайнида ҳар гектар майдонга секундига 2,31 литрдан сув бериб туриш керак. Бу ерда биз суғориш каналларидан сувни фильтрацияга кўплаб исроф бўлишини ҳам инобатга олишимиз лозим. Агар, сув исрофгарчилиги 19% бўлса, каналнинг фойдали иш коэффициентини (Ф.И.К)  $\eta = 0,81$  га тенг. Сувнинг исрофгарчилигини ҳам ҳисобга олган ҳолдаги суғориш гидромодули ( $Q_{кр}$ ) қуйидагича аниқланади:

$$q_{бр} = \frac{q_{нт}}{\eta} = \frac{2,31}{0,81} = 2,85 \text{ л/с га}$$

Шўри ювиладиган майдон 20 суг.га бўлса, уни ювиш учун секундига талаб қилинаётган сув миқдори қуйидагига тенг:

$$Q_{брутто} = 2,85 \times 20 = 57 \text{ л/с}$$

Масалан. 1-бригадада ноябрнинг 2 декадасида 23 суг-га майдон ювилиши лозим бўлса, Р-1 канал орқали шу бригадага мазкур декада давомида ҳар секундига 53,1 литрдан (2,31x23) сув бериб туриш лозим.

Шўр ювишда сувдан унумли фойдаланиш учун ҳар бир бригадага камида 40-50 л/с сув бериб туриш лозим.

Хўжалик бўйича шўр ювишга талаб қилинаётган умумий сув миқдори м<sup>3</sup> ҳисобда қуйидагича аниқланади:

$$Q_{нетто} = S_{суг.га} \cdot m = 380 \times 2000 = 760000 \text{ м}_3$$

$$Q_{бр} = \frac{S_1 \cdot m}{\eta_{P-1}} + \frac{S_2 \cdot m}{\eta_{P-2}} + \frac{S_3 \cdot m}{\eta_{P-3}} = \frac{120 \cdot 2000}{0,81} + \frac{108 \cdot 2000}{0,85} + \frac{152 \cdot 2000}{0,77} = 945218 \text{ м}_3$$

бу ерда:

$S_1, S_2, S_3$ - 1,2 ва 3 каналлардан сув шўри ювиладиган майдонлар;

$\eta_1, \eta_2,$  ва  $\eta_3$  - 1,2 ва 3 каналларнинг фойдали иш коэффициентлари.

Топширик. 5-жадвал маълумотларга кўра шўр ювиш ишларини режалаштиринг.



## Шўр ювиш ишларини ривожлантиришга оид маълумотлар

Суғориш тармоғи	Каналнинг ф.и.к	Бригада сони	Шўрланган майдонлар ҳажми, га				Шўр ювишниг ўртача нормаси
			Кучсиз шўрланган (1 марта ювилади ган)	Ўртача шўрланган (2 марта ювилади)	Кучли шўрланган (3 марта ювилади)	Шўрхок (6 марта ювилади)	
1-масала							
Р-1							
Р-2							
Р-3							

**6-ЛАБАРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)**

**Зовур оқимининг берилган ўлчами, тупроқнинг фильтрация хусусияти ва сув ўтказмайдиган қатламнинг жойлашув чуқурлигига қараб доимий чуқур зовурлар /2,5-9м/ орасидаги масофани ҳисоблаш**

Зовурларнинг асосий вазифаси тубдан яхшиланаётган шўрланган тупроқлардаги тузларни сизот сувлар билан биргаликда худуддан ташқарига чиқариб юборишдан иборат. Ҳозирги кунда шўрланган ерларда горизонтал зовурлар кенг қўлланилмоқда.

Зовурлар самарадорлиги уларнинг чуқурлиги ва улар орасидаги масофани тўғри танлашга боғлиқ бўлади. Горизонтал зовурлар орасидаги масофа тупроқнинг механик таркибига ва унинг фильтрация хусусиятига, шунингдек зовурлар чуқурлиги ва сув ўтказмайдиган Қатлам чуқурлигига боғлиқ бўлади. Зовурларни чуқурлаштириш қувурни зовурлаштиришни кучайтириб, зовурлар орасидаги масофани кенгайтиришга имкон беради. Тупроқнинг фильтрациялаш қобилияти яхши бўлганда ҳам зовурлар орасидаги масофани кенгайтириш мумкин.

Зовурлар орасидаги масофани белгилашда зовур оқими модули қиймат-вақт бирлигида бир гектар майдондан бўладиган сув оқими /л/с.га/-ҳисобга олинади. Зовур оқими модулининг йиллик ўртача миқдори оғир тупроқларда 0,15, ўртача тупроқларда-0,20 ва енгил тупроқларда 0,25 л/с.га ни ташкил этади. Шўр ювиш даврида эса 0,50-0,85 л/с гектаргача ортади.шўрланган ерларда зовурлар чуқурлиги 2-3 м бўлганда улар орасидаги масофа жуда оғир

тупроқларда 150-200, ўртача тупроқларда -200-250, енгил тупроқларда-300-400 м килиб белгиланади.

Масала. Қуйидаги маълумотларга кўра чуқурлиги 2,5-3,0 м бўлган зовурлаштирилаётган майдон-14 га: бир йил ичида участкадан чиқариб ташлаш лозим бўлган /зовур оқими/ 70664 м тупроқнинг фильтрация коэффициенти-0,9 м/сут: сув тўсар /ўтказмайдиган/ қатлам чуқурда жойлашган.

Ечиш. Шўрланишга мойил ерларга зовурлар ўртасидаги масофани Т.Н.Прибреженский таклиф этган қуйидаги ифода асосида тахминан ҳисоблаш мумкин.

$$L=A\sqrt{K}$$

Бу ерда: L –зовурлар орасидаги масофа, м:

A-зовур оқимининг берилган ўлчами /модули/, фильтрация коэффициенти ва сув тўсар қатламнинг чуқурлигига боғлиқ бўлган кўпайтувчи:

K-тупроқнинг фильтрация коэффициенти, м/сут.

1-жадвал

Сув сўсар қатламининг турлича чуқурликда жойлашувига кўра кўпайтирувчи A нинг қийматлари

Сув тўсар қатлам	Зовур оқимининг модули, л/с.га		
	0,20-0,25	0,10-0,20	0,075-0,10
Чуқур	180	240	300
Яқин	90	120	150

Участкадан ташланиши лозим бўлган умумий сув миқдори (70664м<sup>3</sup> ёки 70644000 л) ва зовурлаштириладиган участканинг майдонига (14 га) асосланиб, зовур оқими модулини керак бўлган қийматини (л/с га) аниқлаш мумкин. Зовур оқимининг давом этииш муддати 1 йил (365 кун) ва 1 кундаги секундлар сони 86400 эканлиги сабабли:

$$q = \frac{1000 \cdot \sum W}{86400 \cdot T \cdot F} = \frac{\sum W}{86.4 \cdot T \cdot F}$$

Бу ерда: q- зовур оқими модули, л/с га:

1000- м<sup>3</sup> ни л га айлантириш учун кўпайтувчи:

F- зовурлаштирилаётган участка майдони, га:

T- зовур оқимининг давом этииш муддати, сутка.

$$\text{Демак, } q = \frac{70664}{86.4 \cdot 365 \cdot 14} = 0.16 \text{ л/с.га}$$

1-жадвалга мувофиқ, зовур оқимини модули 0,16 л/с га ва сув тўсар қатлам чуқур бўлганда A нинг қийматини 240 деб олиш мумкин. Тупроқнинг филтрацияси 0,9 м/сут бўлганда чуқур зовурлар орасидаги масофа қуйидагига тенг бўлади:

$$L = A \cdot \sqrt{K} = 240 \cdot \sqrt{0.9} = 240 \cdot 0.95 = 228 \approx 230 \text{ м.}$$

Топширик. 1-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, чуқур зовурлар (2,5-3,0 м) ўртасидаги масофани аниқланг.

## 2-жадвал

Чукур зовурлар орасидаги масофаларни аниқлашга доир маълумотлар

Ма сала т/р	Зовурлаш тириладиган майдон, га	Зовур оқимнинг умумий миқдори, м <sup>3</sup>	Тупроқнинг фильтрация коэффициенти, м/сув	Сув тўсар қатламининг жойланиши	Зовур оқимининг модули, л/с га	Зовурлар орасидаги масофа, м
1	12	83256	2,4	Чукур		
2	20	56460	0,6	Якин		
3	15	70250	1,2	Чукур		
4	18	96380	1,5	Чукур		
5	22	110230	1,6	Якин		
6	18	66460	0,8	Якин		
7	26	84340	2,8	Чукур		

## 7. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)

### Зовур оқими модулини аниқлаш

Зовурлар шўрланган суғориладиган ерларда сизот сувлар режимини ва тупроқнинг сув-туз режимини тартибга солишнинг актив воситаси ҳисобланади. Зовур фаолиятининг самарадорлиги улар орқали ташланаётган сув ва ундаги тузлар миқдorigа кўра баҳоланади. Зовур оқими модули деганда шўри ювилаётган майдоннинг ҳар гектаридан секундага чиқариб ташланаётган метр ҳисобидаги сув миқдори (л/с.га) тушунилади.

Суғориладиган шўрланган ва шўрланишга мойил бўлган ерларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича зовур коми модулининг ўртача йиллик қийматлари қуйидагичадир: оғир тупроқлар учун – 0,15; ўртача тупроқлар учун – 0,20 ва енгил тупроқлар учун – 0,25 л/с га. Шўр ювиш даврида зовур оқими модули анча ошади ва 0,50-0,85 л/с га бўлиши мумкин. Захи кочириладиган боткоклашган ерларда зовур оқими модули 1,5-2,5 л/с га гача ортади.

Зовур фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун уни оқим модулини билиш зарур.

Масала: Қуйидаги маълумотлар бўйича зовур оқими модули аниқлансин: Захи кочириладиган участка майдони – 16 га; кузатишларнинг давом этиш муддати – 185 кун; шу даврдаги зовур оқими – 48600 м<sup>3</sup>.

Ечиш: Зовур оқими 48600 м<sup>3</sup>ни, захи кочириладиган майдон эса 16 гектарни ташкил қилиши сабабли 185 кун давомида ҳар гектардаги умумий оқим қуйидагичани ташкил этади:

$$W = \Sigma W : F = 48600 : 16 = 3037,5 \text{ м}^3/\text{га}$$

1-жадвал

Зовур оқими модулини (q) аниқлаш учун маълумотлар

Масала №	Участка майдони, га	Кузатиш муддати (т, сутка)	Жами оқим ( $\Sigma W$ ) м <sup>3</sup>	Зовур оқими модули қиймати (q) л/сга	Изох
1	16	185	48600	0,19	
2	8	90	25600		
3	12	365	58800		
4	14	165	4000		
5	18	290	49600		
6	20	240	66800		
7	22	365	96400		

Зовур оқимини кузатиш муддати 185 кунлигини ҳисобга олиб, зовур оқими модули қийматини қуйидагича аниқлаймиз:

$$q = \frac{W}{86,4 \cdot T}$$

бунда:

W-ҳар гектардан жами оқим, м<sup>3</sup>/га

T-кузатиш давомийлиги, кун;

$$q = \frac{3037,5}{86,4 \cdot 185} = 0,19 \text{ л/с га}$$

Топширик. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича зовур оқими модулини аниқланг ва зовур фаолиятини яхшилаш чораларини белгиланг.

## 8- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ (2 соат)

Ўзлаштирилаётган шўрланган участкадаги сизот сувларнинг йиллик оқимини аниқлаш.

Суғориладиган шўрланган ерларда тупроқни яхши мелиоратив ҳолати минераллашган сизот сувларни зовурлар ёрдамида массивдан ташқари чиқариб юбориш орқали эришилади. Минераллашган сизот сувлар етарли даражада оқиб кетмайдиган шароитларда, одатда, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашади ва иккиламчи шўрланиш аломатлари пайдо бўлади. Демак, суғориладиган шўрланган ерларда туп рокдан тузларнинг ортикча миқдорини чиқариб ташлишни туп рок унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини оширишни таъминлайдиган зовур оқимини йиллик қийматини аниқлаш муҳимдир.

